

## КОММУНИКАЦИЯНИНГ БАДИЙ МАТНДАГИ НОВЕРБАЛ КОМПОНЕНТЛАРИ

**Камола Арипова Юсупова**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Чет тиллари кафедрфси катта ўқитувчиси  
тел: 90 981-46-15  
e-mail: [kamolakind@mail.ru](mailto:kamolakind@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада бадий матнданги новербал воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган бўлиб, уларнинг прагматик нуқтаи назардан эмоционал ифодалар орқали намоён бўлиши тадқиқ этилган.*

**Калим сўзлар:** вербал компонентлар, новербал компонентлар, бадий матн, эмоция ифодалари, конгруэнт коммуникатив актлар.

### АННОТАЦИЯ

*В статье рассматриваются особенности невербальных средств в художественном тексте. Их репрезентация через обозначений эмоций с точки зрения прагматики.*

**Ключевые слова:** вербальные компоненты, невербальные компоненты, художественный текст, эмоций, конгруэнтные коммуникатив акты.

### ABSTRACT

*The article deals the peculiarities of non-verbal components in literary texts. The representation of emotions through point of pragmatics.*

**Key words:** verbal components, non- verbal components, literary texts, emotions, congruent communicative acts.

### КИРИШ

Маълумки, коммуникатив жараён бадий матн билан бевосита боғлиқ. Бадий матн таркиби новербал вазиятли коррелятлардан ажратиб олинмайди, зеро, хис-ҳаяжон ва эмоциялар фақатгина тил восталаридагина эмас, балки новербал коммуникация воситалари ёрдамида ҳам ифодаланади.

Новербал компонентлар (НВК) ахборотни сўзлар билан биргалиқда ҳам ёки мустақил равишда ҳам қўлланиши мумкин. Л.М. Шелгунова фикрига кўра, ҳар иккала ҳолда ҳам НВК ахборот билан юқори даражада тўйинганлиги, улар ифодалаётган маълумотнинг муҳимлилиги, самимийлиги вербал воситалар ёрдамида ифодаланган ахборотга нисбатан ҳаққонийлиги жиҳатдан фарқ қиласади.

Шунингдек, ВК ва НВК биргаликда қўллангада ўзаро бир-бирини тўлдиради ҳамда уларнинг функциялари ва улар етказаётган ахборотнинг уйғунлашуви кузатилади [9:71-72]. Кейинчалик мазкур тадқиқотчи яна шундай фактларни келтирадики, унда нутқий ва нонутқий ҳулқ-автор муайян сабаб ва мақсадларга эга бўлган ягона фаолият актининг компонентларини ташкил қиласди. Зоро, уларнинг нутқ, имо-ишора, ҳаракат ҳолатларига қўра ишора қилишларини ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди [10:43]. Худди шу муаллифнинг таъкидлашича, “нутқий ва имо-ишоравий ҳулқ-автор, энг аввало, инсоннинг, у ёки бу тарздаги хатти-ҳаракатларида намоён бўлувчи, ички дунёси ва ҳаяжонларини ифода этувчи бадиий адабиёт объекти ҳисобланади” [10:49]. Яъни новербал компонентлар бадиий адабиётда маълум персонажнинг ҳолати ва хатти-ҳаракатларида, нутқий ўзига хослигида намоён бўлади. Бунда бадиий асарни ташкил этувчи барча элементлар, давр рухи, персонажларнинг ҳолатлари, ўша ҳалқнинг миллий-маданий рухи ва муҳити кабилар НВКнинг ифодавий омилини ташкил этади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Бадиий матн таркибини ўрганишда турли ёндашувлар мавжуд. Замонавий тишлишуносликда матн мазмунини таркиб, структура тарзида бериш матнни тадқиқ этишниниг етарли даражада ишлаб чиқилган усувларидан бўлиб қолган. Аксарият тадқиқотчилар нуқтаи назарида антропоцентриклик – бу бадиий матннинг алоҳида, ўзига хос жиҳати сифатида тан олинган, бинобарин, НВК орқали етказиладиган эмоцияларни ифодаловчи воситаларни шакллантириш, жараёнларини ўрганиш, айниқса, бадиий адабиётда ўта долзарб ҳисобланади, зоро балийи асар марказида ўзининг хатти-ҳаракатлари, бошқа одамларга нисбатан муносабатлари, фикр-мулоҳазалари, хис-ҳаяжонлари ва нутқининг ўзига хослиги билан инсон туради.

Бадиий матннинг яна бир ажралмас хусусиятларидан бири унинг прагматикасидир. И.С. Баженова такидлашича, дастлаб, матн прагматикаси худди яхлит матн сингари унинг алоҳида қисмларида ҳам teng маънодаги мақсадли ҳатти-ҳаракатни ташкил этади. Улар мулоқот вазиятини ҳисобга олган ҳолда, адресантнинг интенционал вазифаларини бошқаради. Иккинчидан, прагматика бадиий асар муаллифига зарур тил воситаларини танлаш ҳамда жумланинг тўғри англаш имконияти билан таъминлайди [1: 112].

Бадиий матн – адекват тарзда маданиятлараро коммуникацияни шакллантириш воситаси ҳамдир. Матнда ҳалқ табиати, пресонажларнинг ҳулқ-автор стереотиплари (ўзини тутиш қолиплари) ёрқин намоён бўлади, у ёки бу ҳалқнинг урф-одатлари билан боғлик хурофтлари ўз ифодасини топади,

маълум ўз-ўзига баҳо беришга асосланган шахсий бағрикенглик ва бағриторлик муносабатлари акс этади. Матнлар ичида турли маданиятларнинг мулоқотга турли хилдаги диалоглар ва тўқнашувлар шаклида киришиб кетишишларни акс эттирувчи бадиий матнлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Ҳар иккала шакл ҳам муҳим ҳисобланади, зеро икки маданият ўртасидаги диалог умумий (умуминсоний) фазилатлар бор бўлганида ҳам амалга ошиши мумкин, ҳар бир маданиятга хос алоҳида белгилар мавжуд бўлганида эса тўқнашувлар содир бўлади. Шундай қилиб, бадиий матн таҳлили, шубҳасиз, адекват маданиятлараро мулоқотни шакллантиришда амалий натижа бера оладиган, турли маданиятлар вакилларини парокандалик ва бегоналashiшдан огоҳлантира оладиган таъсирчан восита ҳисобланади.

И.С. Баженованинг таъкидлаганидек, бадиий матн иккиласми семиотик тизим сифатида бевосита бошқа семиотик тизим – маданият билан боғлиқ бўлади, айни пайтда ҳар иккала тизим ҳам бирламчи семиотик тизим, яъни тил билан ҳам боғлиқ бўлади. Матнли ахборотни ўқувчи қабул қилаётганида нафақат ўзиниг лисоний қаторни, балки ёзувчи томонидан дастурлаб қўйилган кинетик, паралингвистик, физиологик ва ритмик-интонацион қаторни ҳам қайта кодлаштиради [1:130].

Бадиий проза тили хусусида сўз юритганда, энг аввало, бадиий адабиёт тили бир-биридан тубдан фарқ қилувчи тил ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан икки асосий йўналишда ўрганилишини эътироф этиш керак.

Адабиётшунослар нуқтаи назаридан олиб қараганда, бизни қизиқтираётган ҳодиса вербаллик ва новербаллик тутушган жойда номоён бўлади – “сўзга ўхшамасада, лекин сўз, матнда мавжуд, нутқ орқали намоён бўлади, айни пайтда айтилмайди” [5: 8].

Новербал образ нутқни янада ёрқин, бой қилади, муаллиф позициясини адекватроқ тарзда қабул қилиш имконини беради. О.Н. Масленникова таъбири билан айтганда, матн муҳим қисмининг мазмунини ташкил қилади. Бадиий баён тўқимаси билан уйғунлашиб кетган имо-ишоралар, хатти-харакатлар, позалар улар ортида турган образни аниқроқ билиб олиш имконини берувчи психофизиологик компонентлардан ҳисобланади [5: 9].

Муаллифнинг кейинги таъкидлашларига қўра, пластик белгида, у қанчалик ноёб бўлмасин, муаллифга умумлаштиришларнинг фалсафий миқёсгача кўтарилиш имконини берувчи ижтимоийлик факти яширинган. Инсон, қаҳрамон хатти-харакатлари психофизиология қонунларига бўйсунади, ижтимоий семиотика, бадиий категорияларнинг этик нормативлари (аҳлоқий меъёрлари) нуқтаи назаридан бошқарилади. Бу турли информацион ва

семиотик функцияларни бажарувчи мураккаб гетероген тизимдир. Эҳтимол, бундай белгилар тизими ҳақида сўзлаб бериб бўлмайдиган ҳолатнинг ўзи бўлмаса керак [5: 9].

Ю.М. Лотман НВК моҳиятини “ҳаракат, хатти-ҳаракат бирор бир амалий йўналишга эмас, балки бирор бир маъно ва мазмунга тааллуқлилигида деб тушунади. Имо-ишора доимо белги ва рамздир. Шунинг учун ҳар қандай ҳаракат ... имо ишора, унинг маъноси эса – муаллиф нияти, мақсадидир” [7: 34].

Персонажларнинг руҳий ҳолати улар фаол новербал фаолиятни амалга оширганларида ўз ифодасини топади. НВК баён давомида қаҳрамонларга ҳамроҳлик қиласи. **Улар ҳар доим ҳам сўзлар орқали намоён бўлавермайдиган** персонажларнинг ички дунёсини тўликроқ тавсифлаш учун зарур. НВКдаги образлилик кўпинча вазиятли мулоқотнинг белгилар, рамзлардан иборат асосини аниқлашга қаратилган бўлади, шу билан бирга инсон танасини пластикада намоён бўлувчи ҳаётини эстетик баҳолаш ва типиклаштириш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, имо-ишоралар тасвирида сўз устаси “эмпирик жиҳатдан реал, тарихий жиҳатдан типик, рамзий ва шу билан бирга мифологик жиҳатдан англанган” [5: 44] образни акс эттиради. Адабиётшуносларнинг фикрига кўра, ҳаёлпараст қаҳрамоннинг имо-ишорали, хатти-ҳаракатлари характеристикаси, унинг ҳаракатларини эслатиш ҳам қаҳрамон ички ҳолатини етказишга қаратилади.

Бадиий матнда инсон фаолиятининг сон жиҳатдан анчагина новербал кўринишлари ички ҳаётнинг қонунига айланади. НВК орқали уларнинг ортидаги характерлар ва вазиятларни янада аникроқ ўқиб чиқиш мумкин бўлади.

Персонажларнинг имо-ишорали хулқ-автори ҳақидаги маълумотни ўқиши реалистик баёний бадиий насрда, Л.М. Шелгунова фикрича, унинг таркибий-композицион хусусиятларини, индивидуал услубни ҳамда тарихан баёний насрый жанрлар ривожи билан боғлиқ адабий лисоний жараён характеристикаларини аниқлашда жуда муҳим ҳисобланади [9: 43].

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқотда бадиий матннинг НВКнинг лисоний тавсифлаш аспекти, энг аввало, матн олдида турган НВК белгилариниг прагматик вазифаларга боғлиқлиги бизни қўпроқ қизиқтиради.

НВК ёрдамида ифодаланувчи ва оламнинг содда манзарасидаги эмоциялар ҳар бир халқ моддий ва маънавий тажрибасини ва алоҳида тарзда унинг тилини акс эттиради. Зоро, оламнинг содда манзараси асосан уни тавсифлаётган тилга боғлиқ. Шунингдек, инсоннинг ички ҳаёти, шу жумладан, эмоционал

ҳаёти, бадий наср тили жуда ҳам ранг-баранг ва ўзига хос бўлган воситалари ва усулларида ёрдамида тасвирланади.

Эмоция ифодалари, шу ўринда НВК ҳам маданий-миллий ўзига хос хусусиятларга эга. И.С. Баженова у ёки бу одамлар ҳамжамиятидагиларнинг онг ости хотирасида тил бирликларининг маданиятнинг у ёки бу коди билан боғлиқ интертекстуал алоқанинг сақланиб қолишига эътибор қаратади. Айни пайтда эмоция ифодаларининг бадий матнда қайта ифодаланувчанлиги авлодлараро маданий аҳамиятли установкаларни (мақсадли талабларни) трансляция қилишгина эмас, балки бундан-да муҳимроқ тил соҳибларининг маданий ўзлигини англашни шакллантиришга ҳам хизмат қиласи [1: 9].

Барча турдаги эмоция ифодалари прагматик салоҳиятга эга, зеро уларда сўзловчининг шахси, унинг ижтимоий, этник, маданий, ёши, жинси ва касбига доир характеристикалар тилга киради. Шу жиҳатдан эмоцияни ифодалаш муаллифнинг нутқий фикрлаш фаолиятнинг ҳосиласи ҳисобланади ва маълум эмоционал ҳолатда нималарни ҳис қилиши ва бу ташқаридан қандай тарзда намоён бўлиши ҳақидаги тасаввурларга мутлақо мувофиқ бўлади. Айни пайтда, И.С.Баженова таъбири билан айтганда, бадий матнда эмоция ифодаларини танлаш бадий матн таркиби, сўзловчи тури, образлар тизими, эмоция ифодаларининг бадий матн тўқимасида қўлланиш жойи ва тақорорланувчанлигига ҳамда ундаги ахборот турига боғлиқ [1: 361].

Шундай қилиб, ҳам лисоний, ҳам нолисоний борлиқ ҳақидаги маълумотни ўзида мужассам этган эмоция ифодаларининг прагматик салоҳияти белгиланаётган нарса ҳақидаги билимларнинг бутун бир мажмууни ўз ичига олади, бунда семантика, прагматика ҳамда у билан боғлиқ ассоциациялар муҳим ҳисобланади. И.С. Баженова ортидан, биз ҳам адресантнинг адресатга маълум таъсир ўтказишдан иборат модийлаштирилган мақсадини англатувчи эмоция ифодаларининг прагматик салоҳияти қўйидагилардан иборат, дея ҳисоблаймиз:

1. эмоция ифодалари бадий матнда эмоционал нутқ (ЭН) ни номлаш ва кучлироқ ифодалиликка, адресат туйғулари ва фикрларига таъсир кўрсатишга интилиш зарурати боис прагматик сабабларга қўра пайдо бўлади;
2. эмоция ифодаларининг яратилиши жараёнида шахснинг прагматик релевант параметрлари (жинси, ёши, ижтимоий мавқеи, сўзловчининг мақсади, унинг айтилганлари ва мулоқот вазиятига муносабати қабилар) ҳам иштирок этади;
3. эмоция ифодаларида маданиятнинг яшаш шакллари намоён бўлади, бундан ташқари улар маълум тарихий давр маҳсули ҳам ҳисобланади;

4. бадий матндаги эмоция ифодалари бадий асардаги фабула маконини баён этувчининг маълум кўриш усули билан боғлиқ;

5. эмоция ифодалари сўзловчи ҳақидаги қўшимча ахборотни ўзида олиб юради, урнинг яширин баҳосинигина эмас, балки бутун бадий асар тубидаги ахбортни очиб бериш усларини ҳам етказади;

6. эмоция ифодалари бадий матннинг эстетик вазифаси билан боғлиқ эстетик эффектни ҳам ўз ичига олади;

7) эмоция ифодалари воситасида муаллиф адресатнинг хис туйғулари, образли ассоциацияларини уйғотишга ҳамда ундаги ижодий фаолликни ҳам рағбатлантиришга интилади [1: 362].

Шундай қилиб, НВК номинация тарзидаги эмоция ифодалари, бадий матндаги эмотив тасвирий воситалар ҳисобланади, зеро улар инсон эмоциялари, муносабатлари ва баҳоларини вербал воситалар билан тавсифлаш эмас, балки ифодалаш учун ҳам хизмат қиласди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда, бадий асар муаллифининг НВК номинацияларини яратишдаги ролини қўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бадий асар муаллифи бадий асарнинг барча қаҳрамонлари кўрадиган ва биладиганларинигина эмас, балки улар учун принципиал жиҳатдан нимага қўллари етмаслигин ҳам кўради ва билади, «ва ана шундай ҳар бир қаҳрамонга нисбатан муаллифнинг маълум ва барқарор қўришлари ва билишлари сероблигига бутун бир яхлитликнинг ҳам қаҳрамонлар, ҳам уларнинг биргаликда яшаган даврларидағи воқеалар, яъни бутун бир асарнинг якунланиш лаҳзалари ўз ифодасини топади» [2: 16].

Ўйлаб топилган, лекин айни пайтда ҳақиқатга мувофиқ вазиятлар муаллиф томонидан ўзининг ғоялари ва тасаввурларини аниқлаштириш ва тасдиқлаш мақсадида моделлаштирилади, у борлиқдан ўзининг тасаввурларига мос ҳодисаларни танлаб олади. Шу боисдан ҳам, И.С. Баженова фикрига кўра, бадий матнни яратишда субъектив омил алоҳида роль ўйнайди [1: 133].

НВК орқали бериладиган эмоциялар ифодаларининг ҳам миқдори, ҳам сифатига муалифнинг баён давомидаги позицияси, нуқтаи назари таъсир кўрсатади, у тасвирланаётган воқеалар ва персонажларнинг эмоцияларига нисбатан ҳам ички, ҳам ташқи бўлиши мумкин. Баён этувчи ҳамма ҳақида ҳамма нарсани билади, у персонажлар дунёсидангина эмас, балки унинг устидан кузатиб туради. Бунда у ёлғон сўзламайди ва хато қилмайди, муаллифнинг ниятига кўра ўқувчи содир бўлаётган воқеаларни персонажлар номидан эмас, балки баён этувчининг ўзига бевосита ишониб қабул қилиши керак.

Коммуникация жараёни аспектида бадий матнни хабар, муаллифни хабар жўнатувчиси ва ўқувчини хабар адресати/реципиенти сифатида талқин этиш мумкин. Чунки уларнинг ўқиган матнини тушуниши назорат қилинмайди, масалан, худди суҳбатдошга овоз тони, оҳангги, нутқ тезлиги, макондаги жойи, имо-ишоралар, юз ифодалари ҳамда кўриш ва эшитиш орқали қабул қилинувчи вазият орқали тўғридан-тўғри етказиладиган оғзаки хабарда бўлгани каби уларда ўқилганни талқин этишда кўпроқ эркинлик намоён бўлади.

## **ХУЛОСА**

Коммуникатив актни тавсифлашда ҳам вербал, ҳам новербал таркибий қисмлар ишлатилиши мумкин. Биз ҳам ҳар иккала коммуникантнинг эмоционал нутқ (ЭН)ни тавсифлаганда уларнинг ўзаро қандай мувофиқ келишини ўрганиш мухим дея ҳисоблаймиз. Шундай вазиятлар ҳам бўладики, бунда НВК ҳам, ВК ҳам бир хил (эмоционал нутқ) ЭНни акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, ҳар иккала компонент бир- бири билан эмоционал йўналганлиги билан мос келади ва бу бизга бундай ҳолларда конгруэнт (мослаштирилган) коммуникатив актлар билан иш кўришимизни таъкидлаш имконини беради. Бироқ *VK ва НВК* эмоционал йўналганлиги билан мос келадиган конгруэнт жумлалар билан бир қаторда, айрим матнлар *VK ва НВК* мос келмаганлиги билан ажралиб туради. Бундай номувофиқлик ноконгруэнт коммуникатив актлар ҳам борлигидан далолат беради [4: 96].

Эмоционал ҳолатларнинг экспрессияси тавсифининг чоғиштирма таҳлилидан аён бўлишича, айрим алоҳида ҳолларда бадий асарлар муаллифлари психологларга қараганда инсоннинг эмоционал хаётини ишонарлироқ тарзда тасвирлашади, чунки уларни, биринчи навбатда, қаҳрамонларининг ҳис-туйғулари ва эмоциялари қизиқтиради.

## **ФОЙДАЛИНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Баженова И.С. Эмоции, прагматика, текст. М., 2003. С.112; 133; 361-362.
2. Арипова, К. Ю. (2019). ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ РЕЧЕВОМУ ЭТИКЕТУ. Вопросы педагогики, (5-1), 21-24.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. М., 1986. С. 16.
4. Вансяцкая Е.А. Роль невербальных и вербальных компонентов коммуникации в текстах, отражающих эмоциональные реакции человека, и их соотношение (на материале английского языка). Дисс. ... канд. филол. наук. Иваново, 1999.
5. Карташкова Ф.И. Косвенная номинация в аспекте мыслительноязыковой деятельности. Иваново, 2003.

6. Масленникова О.Н. Семантика жеста в прозе Андрея Белого («Петербург», «Котик Летаев», «Крещеный китаец»), Дис. ... канд. филол. наук. Иваново, 2000. С.8; 44.
7. Маякина М. А. Фразеологические словосочетания, описывающие невербальное поведение человека: коммуникативно-прагматический и лексикографический аспекты (на материале англоязычных художественных текстов) Дисс. ... канд. филол. наук. Иваново, 2006.
8. Лотман Ю.М. Семиотика культуры и понятие текста // Структура и семиотика художественного текста. Труды по знаковым системам XII. Вып. 515. Тарту, 1981. С.35.
9. Реферовская Е.А. Коммуникативная структура текста в лексико-грамматическом аспекте. JL, 1989.
10. Шелгунова Л.М. Взаимоотношение языковых и паралингвистических факторов в романе Л.Н. Толстого «Воскресение» // Филологические науки. 1978. №3. С. 43; 72-73.
11. Шелгунова Л.М. Указание на рече-жестовое поведение персонажей в русской реалистической повествовательной художественной прозе // Филологические науки. 1982. №5. С.43.